

БАҲОРНИНГ БИР КУНИ ЙИЛНИ БОҚАДИ

ИШЛОВ БЕРИШ БОШЛАНДИ

Қашқадарё вилоятида чигит экиш маддал суръатлар билан олиб борилаётган. Баҳорнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланган ҳолда деҳқонлар жорий йилда юксак ҳирмонни қўлаб меҳнат қилмоқдалар. Қўшғина районларида барақа уруғи қадаш ниҳоясига етиб, ниҳолларга дастлабни ишлов бериш бошлаб юборилди.

Ғузор, Қамаш, Кинтоб, Чирокчи, Шаҳрисабз, Янқабоб районлари шунга мисол бўлади. Ҳозиргача вилоятда қарийб юз минг гектар майдонга барақа уруғи қадашди. Яна 2—3 кунда барча хўжаликларда экиш ишлари ниҳоясига етади.

А. ИСМОИЛОВ.

Қамаш туманидаги «Оқраб» хўжалиги деҳқонлари бу йил пахта ҳосилдорлигини ошириб, таънаҳнинг арзонлаштириш режасини белгилашган. Улар юксак ҳирмон фақат ҳалол меҳнат, тадбиркорлик билан яратилишини ахши билишади. Шунинг учун ҳам хўжаликда энг масъулиятли дала ҳисобланган чигит экиш мавсумига ҳар томонлама пухта ҳозирлик қилинди. Ерлар яхшилаб текисланди, унумдорлиги оширилди. Техника, ёнгич, ўғит, уруғлик ўз вақтида таъминланди. Буларнинг ҳаммаси ўз самарасини берди. Экинча киришган дастлабки кундалик ишда юксак унум таъминланди. Шу туфайли 1360 гектар ерга чигитни мақбул муддатларда экиб олишга муваффақ бўлинди. Экинчи ишларини тез ва соз ўтказишда Улдога Ражабова бошиқ бригада аъзолари намуна кўрсатдилар.

СУРАТДА: (чапдан) селкachi Ҳамид Исмоилов, хўжалик бош ҳосилоти Ҳасан Қурбонов ва бригада етакчиси Улдога Ражабова.

Ш. ШАРОПОВ олган сурат. (ЎзА).



Республикамызда чигит экиш қандай бормоқда?

Йилдан йилнинг фарқи бор, дейишади. Дарҳақиқат бу йилги мавсум пахтакорлар кўнгилдагидек кечмоқда. Ўсиш ва қуруқ ҳарорат йил бўйи ўғит ва намага тўйинган далаларни ҳамирдек қўпчишиб юборди. Ўзгаришлар тупроқ таёқ сўкса яшнатиб юборадиган даражада тобга келган.

Ғанимат дамларнинг қадрига етишга ўрганган миришкорлар вақтдан унумли фойдаланиб, ерга барақа уруғи қаддини афр уюшқоқлик билан давом эттиришмоқда. Ҳаракатда барақа, дегадларидек, қилганга меҳнат бирин-кетин самарасини бермоқда. Мақбул муддатларда чигит экиб, кузги юксак ҳирмонга пухта замин яратган хўжаликлар, туманлар сони кун сайин кўпайиб бормоқда. Гаэста муҳарририятга кўнган келиб турган хатлар, хабарлар, қўнғироқлар бундан далолат.

Уч кун илгари Андижон вилояти пахтакорларини чигит экиш мавсумини тугаллашга яқини ҳақида хўшхабар олган эдик. Вилоят зарфусолари қисқа муддатда қарийб 128,8 минг гектар ерга барақа уруғи қадаб олишга муваффақ бўлишди. Шу ерларнинг 90 минг гектарига экиш билан бир вақтда минерал ўғит солинди, 63,3 минг гектар ерга уруғлик пуштага экилди. 45,2 минг гектарига туқизланган чигит экилди.

Шунинг учун андижонлик миришкорлар дастлаб уруғ ташлаган майдонларда яшил ниҳоллар пайдо бўлди. Айни кунларда кўлаб туманларда ғўза парвариши давом эттирилмоқда.

Кўнча кеча бухоролик пахта усталари ҳам долзарб мавсум ақуланлигини ҳақида рапорт бердилар. Улар 111,8 минг гектар майдонга чигит экишди. Сурхондарё, Фарғона, Тошкент вилоятларида ҳам сўнгги пайкалда барақа уруғи қадалаётди.

Хуллас, жуда кўп жойларда чигит экиш тез ва соз ўтаётди. Шунинг учун ҳам бу йил 23 апрелга қадар жами уруғ ташлашнинг лозим бўлган майдонларнинг 74 фоизига чигит тушди. Ўтган йили эса бу кўрсаткич 66,7 фоизга туғри келган эди.

Юқорида айтганимиздек, кўплар мавсумни муваффақиятли ўтказиш учун ниҳоятда кўлаб бўлиб турибди. Унинг ҳар бир дақиқаси ҳисобда. Бунинг билан Сирдарё ва Жиззах вилоятлари деҳқонлари мавжуд агрегатларнинг ҳаммасини дала ишларига, сафарбар этишди. Улар фақат техникани ишга тула жалб қилиш билангина чекланмай селкчаларни юксак унум билан ишлатишга ҳаракат қилишяпти.

Шунинг учун ҳам бу вилоятларда экиш агрегатларининг иш унуми бошқа ерлардагига нисбатан анча

Ерга экишдан олдин ва экиш билан бирга ўғит солиш, чигитни туқизлантдириб, турли биостимуляторлар билан ишлов беришдан қўлдан эчиш уруғликнинг қийос унум чикишига имкон беради. Шунингдек, ўсимликнинг барваж ривожланиб, мўл, эртаки ҳосил беришини таъминлайди. Бунинг устига ҳар гектар майдонга кетадиган чигит сарфи кескин қамаяди.

Бунларнинг ҳаммаси юзлаб, минглаб тонна чигитни тежаш, кўлаб моддий ва меҳнат ресурсларини иқтисод қилиш демакдир. Шунинг учун ҳам кўлаб таж-

гектар майдонга биостимуляторлар билан ишлов берилган чигит қадалди.

Шунинг учун ҳам унумдорлиги оширилган ерларга экилган чигитлар тез ва тула унум чикипти. Юқоридаги областларда тобора кўпайиб бораётган яшил пайкалардан бундан далолат бериб турибди.

Лекин Қорақалпоғистонлик пахтакорлар мавсумда сустнашлишга йўл қўйиб билан бирга белгиланган агротехник тадбирларни ҳам тула адо этишмапти. Маълумки, республиканинг асосий майдонлари шўрланган. Шўри ювилган майдонларда туз билан бирга ўсимлик учун зарур бўлган моддалар ҳам ювилиб кетади. Шунинг учун экиш олидан ва экиш билан тупроққа ўғит солиш қўзланган мақсадга эришувда муҳим омил ҳисобланади.

Шунга қарамай, бундай муҳим ишга Қорақалпоғистонда етарли эътибор берилмапти. Хусусан 30 минг гектар ерга чигит экиш билан бирга минерал ўғит солиш режаси белгиланган бўлса-да, амалда 10,9 минг гектарга солинди. 30 минг гектар ерга эса биостимуляторлар билан ишлов берилган чигит экилиши кўзда тутилган. Ҳозиргача бирор гектар ерга шундай усулда уруғ тушгани йўқ.

Юқоридаги агротехник тадбирлар Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида ҳам тула-тўқис адо этилмапти. Қатор туманлар, хўжаликларда экилган чигитнинг беҳато унум чикиши ва унинг кўнгилдагидек ривожланишини таъминлайдиган ишларнинг бири бажарилса, бошқиси ҳали бекетмоқда.

Ери унумли бўлиб, экин парваришини илм-фан ютуқлари ва илгорлар тажрибаси асосида ташкил этган деҳқон ҳеч қачон ютқизмайди. Бунинг ҳаммаси амалда кузатилмиш. Аксича эрини, экинини алдаган деҳқон ўзини алдайди. Ҳозир йўл қўйилган битта хатони йил бўйи тер туқиб ҳам тузати қийин. Ҳисобини билмаган ҳамёндан айриллар, дегадларидек долзарб паллада ҳаракат қилмасан, нақдидан айрилиб қолишимиз мумкин.

Қарамжон РИХСНОВ.

Бу ерда чигитнинг «Фарғона-3», «Тошкент-6», «Наманган-77» навлари сараланган ҳолда пуштага экилмоқда. Туманининг «Ҳақиқат» ва Қим Пен Ха номли жамоа хўжаликлариде ҳам дала ишлари уюшқоқлик билан олиб борилаётган.

Район бўйича жорий йилда қарийб 40 минг тонна оқ олтин хирмонини бунёд эттиш кўзда тутилган. Ҳозирги ишлар кўламини эзгу мақсадга яраша бўляпти.

У. МУҲАМЕДОВ.

ДАЛАЛАРДА ИККИ МАНЗАРА

Ғузор районидаги Улуғбек номли давлат хўжалигининг Норқобил Рўзиев, Чори Ериев, Сунон Ортиқов, Ленин номли давлат хўжалигининг Омон Ҳимматилев бошчилиги қилаётган бригадаларида чигит қийос унум чикипти. Бу жамоаларнинг пахтакорлари ўтган йили ҳам ажойиб меҳнатлари билан барчани хурсанд қилган эдилар. Улар республикада биринчилар қаторида давлатга пахта сотиш топширгини адо этиб, режадагига нисбатан гектар бошига ўртача 8—10 центнердан кўп қимматбаҳо хом ашё олдилар.

Бу йил мажкур икки хўжалик деҳқонлари баҳорги чигит экиш мавсумига пухта тайёргарлик қўришди. Бу самарасини берди. Чигит экиш 7—8 апрелда бошланди, 11—12 апрелда тугалланди. Ҳозир дастлаб уруғлик қадалган майдонларда ғўза унум чикипти. Меҳнаткорлар қатор оралайча биринчи ишлов беришга тайёргарлик қўрмоқдалар.

— Эрта кўчат олишга қандай эришилганлар? — сўраймиз Ғузор районидаги Улуғбек номли давлат хўжалиги директори Б. Эшқобиловадан.

— Бунинг ҳеч қандай алоҳида сири йўқ, — дейди хўжалик раҳбари. — Ҳаммаси шароитга, ишнинг кўзини биллиб меҳнат қилишга боғлиқ. Деҳқончилик тажрибасидан маълумки, бир йил иккинчи йилга сира ўхшамайди. Ўтган йили жорий йилга нисбатан 3 кун кейин чигит қадаган эдик. Ёмғир чигитнинг унум чикишини 12—15 кун орага суриб юборди. Бунинг устига ер қатқалқ бўлиб, ташвишмизни қўпайтирди.

Бу йил об-ҳавонинг кескин исб кетиши натижасида тупроқдаги намин йўқотмаслик учун чигит экинчи қисқа муддатларда ўтказишга қарор қилинди. Хўжаликда икки йилдан бери чигит Ромен Кенжаев усули билан иссиқ сувда явтирилиб, экилмоқда. Уруғлик 60 даража сувда иситилиб экилган, ҳаросиз тез унум чикипти. Бу янги усулнинг пахта ҳосилдорлигига таъсири қатта.

Кинтоб райони пахтакорлари вилоятда биринчи бўлиб чигит экиш режасини адо этидилар. Қамаш, Янқабоб, Чирокчи, Шаҳрисабз районларида ҳам бу иш қисқа муддатларда сифатли қилиб ўтказилди.

Бу йилги шароитда тупроқнинг намида чигитни экиб, бир текис кўчат олган деҳқон ютади. Чунки ҳавонинг тез исб кетиши намининг қамалишига олиб келади ва қишбада уруғнинг ўсиб чиқишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Қашқадарё вилоятининг ҳамма хўжаликлариде ҳам чигит ва бошқа экинларни экиш уюшқоқлик билан бораёти, деб бўлмайди. Қасби, Баҳористон, Усмон Юсупов, Нишон районларида ҳозиргача беда, макка-жуҳори, хашаки давлагини экиш муддатлари ўтиб кетган бўлишига қарамайдан бу иш охирига етказилмаган. Масалан, Нишон райони хўжаликлариде бу экинларнинг атиги 50—60 фоизигина экилган. Чигит қадаш учун ер яхши тайёрланганлиги, экиш олидан бостриб сугорилганлиги оқибатида ер тезда етилмасдан экиннинг кўлай муддатлари ўтиб кетмоқда.

Кўп йиллик тажриба шунини кўрсатмоқдаки, пушта олиб экилган майдонларда ҳосилдорлик ошади ва кўскалар тез етилади. Бу усул гектарига ҳосилдорлигини ўртача 3—5 центнер қўпайтириш имконини беради. Шундай бўлишига қарамайдан Қашқадарё вилоятида бу усул кент қўлланмаёттир.

Экиндан олдин ерларга минерал ўғит солиш мўл ҳосил олишда муҳим омил ҳисобланади. Бу ҳосилдорлигини 3—4 центнер оширади, пахта очилишини 6—7 кунга тезлаштиради.

Қашқадарё вилояти шароитида туқизланттирилган чигит экиш яхши самара беради. Афсуски, бундан вилоятнинг ҳамма хўжаликлариде ҳам самарали фойдаланилаёпти, деб бўлмайди. Ҳозир атиги 10 фоиз майдонда шундай уруғликлар қадалмоқда. Сир эмаски, ана шундай чигит экилганда унинг сарфи 2—3 баравар қамаяди. Шунда кўчатларни яғана қилишга ҳам ахтирме қолмайди.

Р. НАЗАРОВ, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик ва экинчи пахтачиллик бошқармаси бошлиғи.

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг Фармони

Т. М. МИРЕҚУБОВНИ ЎЗБЕКИСТОН

РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ

ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ

ТУҒРИСИДА

Тўлқин Мирҳолқович Миреқубов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинланди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ,

Тошкент шаҳри,
1993 йил 23 апрель.

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг Фармони

Ғ. А. АЛИМОВ (ШУҲРАТ)НИ ЎЗБЕКИСТОН

РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ

ЕРЛИГИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТУҒРИСИДА

Кўп йиллик самарали фаолияти, Ўзбек адабиётини ривожлантиришда хизматлари ва жамоат ҳаётида фалол катнашгани учун Ёзувчи Ғулом Аминовнинг Алимов (Шуҳрат) Ўзбекистон Республикасининг Фахрий Ерлиги билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ,

Тошкент шаҳри,
1993 йил 23 апрель.

Ўзбекистон Республикаси

Президентининг Фармони

ҲУКУМАТГА ҚАРАШЛИ БЎЛМАГАН

«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО

ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИНИ ТАШКИЛ

ЭТИШ ТУҒРИСИДА

Келажак авлоднинг саломатлигини таъминлаш, оналар ва болаликни муҳофаза қилиш, болаларнинг жисмоний, ақлий ва маънавий камол топиши учун қўлай шарт-шароит яратиш мақсадида ва меҳнат жамоалари, саноат корхоналари, жамоат ташкилотлари, бир қанча ҳоржий компаниялар ва фирмаларнинг қўллаб-қўллаш муносабатларини эътиборга олиб:

1. Ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ташкил этилсин.

2. Мазкур жамғармани рўйхатдан ўтказиш ва унинг фаолият тартиби Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари билан белгилансин.

Жамғарма барча юридик ва жисмоний шахслар, жумладан, ҳоржий фуқаролар, ташкилотлар, фирмалар ва уюшмалар учун очик деб ҳисоблансин.

Вазирликлар, идоралар, қонун ҳужжатлари билан «Соғлом авлод учун» жамғармасининг фаолиятини тақдир қилиш ҳақида қарор қабул қилсин ва жамғарма туғрисидаги низомни тасдиқласин.

Барча вилоят марказларида ва Тошкент шаҳрида жамғарманинг филиаллари ва бўлиналари очилиши мақсадида мувофиқ деб топилин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ,

Тошкент шаҳри,
1993 йил 23 апрель.

ФАОЛАР ЙИГИЛИШИ

Гулистонда Сирдарё вилоят фаолларининг йилги йиғилиши бўлди. Унда Ўзбекистон Президентини Исом Каримовнинг халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида баён этилган фикрлар асосида вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг жадаллаштириш масалалари муҳофиза этилди. Вилоят ҳокими Б. Махмудов шу ҳақда маъруза қилди.

Йиғилишда вилоятда оқоийшталлини сақлаш, ижтимоий адолатни қарор топтириш, ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш чоратадбирлари белгиланди.

Республика касба уюшмалари федерациясини кенгашининг раиси Б. Алламуродов йиғилишда сўзга чиқди.

Самарқанд вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда шаҳар ва туман ҳокимликлари, саноат, қурилиш, транспорт ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этидилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Исом Каримовнинг Жиззах ва Сурхондарё вилоят кенгашлари сессияларида сўзлаган нутқларида баён этилган фикрлар асосида вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг жадаллаштириш масалалари муҳофиза этилди. Вилоят ҳо-

(ЎзА).

КЎХНА КОРХОНАНИНГ БУГУНИ ВА ЭРТАСИ



— Искандар ака, ҳар бир таъшилоту жамоатнинг ўз тарихи бўлади. Шу нуқта назардан олганда корхонанинг ҳам ўзига хос ўрнини бўлса керак?

— Шубҳасиз бор. Биласизки, қадимда ота-боболаримиз асосан мойжувозлардан унумли фойдаланишган. Маҳаллий аҳоли ўрғасида ҳам ёғин саноат мифе-сида ишлаб чиқаришга ури-нишлар бўлган. Бироқ чор Россияни асосан собиқ маркази ёғ билан таъмин-лашни ахшиллаш мақсадида Каттақўрғонда ҳам корхона қуришга киришади. 1896 йили ҳозирги тахта-ёғоч со-тиш базаси ўрнида 2 та гид-равлик қисми мосламаси ўр-натилади, ёғ ишлаб чиқарила бошланади. Ишлаб чиқариш-дан асосий маҳсулотлар Мос-ковга ташиб кетилади. 1913 йилда келиб Туркистондаги ёғ-мой корхоналарининг со-ни 32 тага етди. Уларда 1674 киши ишлайди. Қуни-га бир ярим минг тонна чи-гит қайта ишланади. Энди-ликда, бизнинг корхонамиз ўша 1913 йилдаги 32 та корхона ишлаб чиқарган қувватга эга дейиш мум-кин. Негизи, ҳозирги кунда корхонада 1200 киши иш-лайди. Кунлик қайта иш-лаш ҳам 1000 тоннадан ош-ди.

1926 йилда корхонанинг янги ёғни қурилиши бош-ланган, унинг биринчи на-батиди кунга 55,2 тонна чигит қайта ишланади.

— Республикамиз муста-қил бўлгач, корхона маҳсу-лотларининг марказга та-шиб кетилишига чек қўй-либ, уни янада ривожлан-тириш ҳамда республика аҳолисини таъминлаш мақсу-лот билан таъминлаш борасида кўп имкониятлар туғила-ган бўлса керак?

— Энг аввало, корхона-нинг асосий бойлиги моҳир ишчилару тажрибали мута-хассислар ҳисобланади. Уларнинг оиласи, ширин-шакор болалари бор. Қараб турсак, четдан биров келиб аҳолини яхшилаб бермай-ди. Бир товўққа ҳам дон керак, ҳам сув. Шунинг учун ишни боғчалардан бошладик. Корхона ишчи-ларининг 400 нафар бола-лари тарбияланганга бо-ча, 3-сон ўрта мактаб кор-хона ҳомиёлигида. Бу ерда ошхона, спорт зали кури-берилди. Иккинчиси маош масаласи. Президентимиз фармонида мувофиқ ҳамда нарх-навонинг ўсишига қа-раб, корхона имкониятидан келиб чиққан ҳолда ишчи-ларга 8000 сўмдан зиёд-роқ миқдорда маош белги-ланган. Шунингдек, ҳар чо-ракда мукофот пуллари, ҳар кун 50—100 сўмдан о-қат пули мунтазам бериб боришмоқда. 1992 йил яку-нида 4 минг сўмдан, Нав-рўз байрамда 1000 сўм-дан қўшимча мукофот бе-рилди. Корхонада меҳнат қилаётган хотин-қизлар ало-ҳида ардоқда. 578 нафар хотин-қизларнинг меҳнат татбиғига уч қувдан қў-шимча дам олиш кунлари қўшилди. Натижада улар 24 кун ўрнига 27 кун дам оладиган бўлишди. Қиш мавсумига 50 тонна олма саклаб қўйгандик. Унинг ҳар килосини 12 сўмдан сотялмиш. Ердамчи хўжалик-да 1100 бош қорамол, 40 бош сиғир боқилапти. Иш-чиларга сут ва гўшт вақти-вақти билан арзон баҳода тарқатилади. Кейингиси, ишчиларнинг қисқариб, иш-си қилишга йўл қўймас-лиқ масаласидир. Бир гу-руҳ ишчилар Мария Бата-ева бошчилигида қурувчилар бригадаси туғилишини тақ-дир қилиб чиқарди. Бу тақдир ўз вақтида бажари-лди. Натижада йиллаб бит-май ётган қурилиш иш-лари изга тушиб кетди. Ҳа-токи, баъзи биноларнинг сувовига ҳам ҳеч гал кел-масди. Қурувчилар бу иш-ни ҳам уйдатишди.

Қуйдан берилган мас-лаҳатлар, тақдирлар доимо тўғри бўлади. Яқинда қу-рувчилар тақдир билан баъзан ташқарида қолиб кетадиган совулар учун минг тоналлик оморхона, автомобилларни сақлаш, таъмирлаш масканларини бунёд этишга киришилди.

Бу эса машиналарни бошқа автокорхоналарда сақлаш учун кетаётган ҳамда очик ҳавода қолиб яроқсиз ҳол-га келган маҳсулот туфай-ли йўқолаётган маблағлар-ни тежаш имкониятини туғ-дирмоқда. Экстракция тар-моғида қимматбаҳо ёқил-дан унумли фойдаланиш ниятида тозалаш бўлими-даги совутичларга аммиак-ли ускуналардан совуқ сув юборишни йўлга қўйди. Шу туфайли 24 даражали ниссиқ сув 12 даражача совийди ва бензиннинг буғ-ланшини камайтиради. Шунингдек ёшларнинг иш-билармонлиқ, тадбиркорлик каби турма истеъдодлар-ни қўллаб-қувватлаб, ило-жи борица уларга қўмаклаша-ёзимиз. Улар корхонадаги металллардан эҳтиёт қис-мларни ўзлари ясамапти. Бундан ташқари маданият уйда ҳам баракали яроқ қилишди. Ана шундай иш-лар корхонадаги раҳбар ла-возимларда ҳам маромига етказиб иш олиб бориш-пти. Оқлаш тармоғидан Ази-за Махмудова, тайёрлов тар-моғидан Наби Саидов, экс-тракция тармоғидан Раҳ-матилло Раҳимов, бош му-ҳандис Тоир Қодиров, ўрин-босаримиз Олимжон Камол-ов, бош технолог Ноҳира Ибро-ҳимова, кимёвий текшириш бўлимида Дания Раззо-вова, пайвандчи Ринат Ах-наповларнинг номларини фахр билан тилга оламиз.

Қайта ишлаш саноати

— Ишчиларнинг анъа-наларини давом эттираётган сулолаларга ҳам тўхта-сан-гиз.

— Сулолалар кўп. Мас-алан, тайёрлов бўлимининг ишчиси Роза Иброҳимова ўғли Содик Иброҳимов бил-ан ёнма-ён меҳнат қилиша-ди. Роза опанинг турмуш ўр-тоғи Мансур ака Иброҳи-мов 35 йил қуйиш тармо-ғида ишлаб, нафақага чиқди. Аҳмад Аминов исқанжалош тармоғида умр йўлдоши Розия Аминова билан ме-ҳнат қилади. Корхонадан на-фақага чиққан Юнус Юсу-повнинг ўғли Шухрат Юсу-пов технолог, қизи Мушар-рам Юсупова текширувчи бўлиб ишлайди. Бу рўй-ҳатни истасанча давом эт-тириш мумкин.

— Корхонанинг шу бугу-ни ечимини кутаётган мас-алалари ҳақида ҳам гапир-сангиз!

— Корхона йилига 300 минг тонна чигитни қайта ишлаш қувватига эга. Ле-кин. Самарқанд, Навоий, Жиззах вилоятлари етказиб бераётган ҳам ашё корхона талабини тўлиқ қоплагани йўқ. Негиз? Биринчидан кор-хонадаги ускуналарни янги-ладик. Эски НД-1000 мар-кали ёғ чиқариш мосламаси ўрнига Олмонининг НД-1250 маркали ускуналар-ни ўрнатди. Совуқ пиширу-вчи, вазисизлик ҳолатда қу-ришчи мосламаларни ҳам янгиладик. Натижада кор-хона қуввати кескин ошди. Хом ашёга бўлган талаб қу-чайди. Бунинг устига ўтган йилги ҳосилдан йиғиб-териб олинган чигитнинг ёғилиқ ҳу-суслиги негизда аввалги-ларидан 5—6 фоизга кам-роқ. Лекин шунга қарамай йиғмадаги режа ва тош-чирикларни ўз вақтида бажа-рамиз. Қолаверса, сув-ий мойли қислота ҳамда ёғни тозалашда ишлати-ладиган кукун республикамиз-да ишлаб чиқарилмади. Россияга эса банк орқали пул ўтказиш қийин. Фақат-гина мол айирбошлаш йў-ли билан олиш мумкин. Бу муаммоларни қандай ҳал этишимиз? Ҳозирча чет элдан келтирилатган соя эсимлиги уруғи билан ишимиз юришиб турибди. Нахист кукунни Россиядан бартар усулда оламиз. Шунинг алоҳида таъкидла-ш лозими, бугунги кунда республикамиз мустақиллик-ка эришиб, деҳқонларимиз етиштириётган маҳсулот-ларнинг бир қисми улар-

нинг ўзига қолдирилади. Президентимиз Исрол Ка-римовнинг оқилона иш ту-тиши туфайли деҳқонлар ўз меҳнати самарасини кўр-моқда. Айниқса, қишлоқ-ларда кичик корхоналар, мойжувозлар, тегиримонлар ишлаб бошлади. Бизни таш-вишлантираётган нарсаси мой-жувозларда ишлаб чиқари-ладиган чигит ёғининг си-фатсизлиги масаласидир. Мутахассис сифатида шун-и таъкидлаш жоизки, бирин-чидан мойжувозлардаги чи-гитдан ёғ тўлиқ қисиб оли-намайди. Иккинчидан ах-ши таркибда гассипол заҳарли моддаси бўлади. Бу модда киши организм-ининг сулусташувига, юрак қон-томир фаолиятининг ёмонлашувига, хотиранинг ўтмаслашувига сабабчи бў-лади. Мавжуд мойжувоз-чи-киш корхоналарида бу бо-ралағи мутахассислар йў-л. Қайси хўжалик ўз меҳнат-кашлари ва уларнинг бола-рини соғлигини ўйласа, бе-маълум шартнома асосида корхонамизга мавжуд чигит-ни олиб келиб, эвазига чи-гит ёғ олиб кетишлари мумкин.

— Муаммолар юзасидан аниқгина кўйилиб гапир-дин-гиз. Ҳақиқатан гассипол ҳақида ҳали кўнчилик эш-ит-маган. Айтадиларки, касал-дан даволанган кўра, олди-ни олган ахшидор, Гассипол ҳақида эшитганлар эҳтимол дўшани олиб, ўйлаб кўри-шар деган умиддаман. Ана энди суҳбатимиз асосини хор-ж билан алоқага бур-сак.

— Жуда яхши. Чет эл билан алоқаларимиз кейин-ги йилларда кучаймоқда. Жумладан исроиллик ше-риклар билан ҳамкорликда бир ярим миллион долларга қора ёғни довланган, ис-теъмолга тайёр ёғга айлан-тирувчи ускуналар олишга келишдик. Шунингдек кау-стик кукун ва сўнгий мой қислотасини олиб келишда фақатгина Россияга суяниб қолмасдан, бошқа мамлакат-лардан ҳам келтириш йўл-ларини қидираймиз. Гўш ишлаб чиқариш кичик мос-ламасини ўрнатдик. Бошқа кичик корхоналарга ускуна-лар олишни ҳам мўлжаллаб турибмиз.

— Буларнинг барчаси мустақиллик шарофати, Пре-зидентимиз Исрол Каримо-вининг узоқни кўзлаб иш ту-таётганлиги туфайли эмас-ми?

— Худди шундай. Ҳар қандай мустақил давлат ҳам бирдиганга гуллаб-яш-намаган. Балки йиллар да-вомида одамлар бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қил-ган, янгиликлар яратган, имкониятларини ишга сол-ган, ўз Ватанини севган, унга садоқат билан меҳрини берган. Ана шундагина Ва-танда фаровонлик; оёсий-халқ, тинчлик ҳукмрон бў-лади. Шу ўринда Исрол Абдулганиевич Каримовнинг бир гаплари ёдимга тушди. «Ватан учун жонини жа-б-борма бериб ишлайдиган фидойи кишиларсиз Ўзе-бекистон келажатини тасав-вур этиб бўлмайдиган. Улар деҳқонлар орасида ҳам, иш-чилар орасида ҳам, зиёли-лар орасида ҳам жуда кўп-ла учрайди. Бундай инсон-лар бақир-чақир, қуруқ даъватлар билан эмас, бал-ки ҳақиқий бунёдкорлик би-лан машғул». Бу сўзлар замирида қанчалар маъно-етибди? Мен бир нарсасга, Ўзбекистон дунёдаги буюқ давлатлардан бири бўлиши-га жуда қаттиқ ишонаман. Негиз? Чунки, Ўзбекистон-нинг жиддий ва ўқувли раҳ-барияти, доно Президенти, қолаверса уларнинг аниқ режаларини ўз ичига олган 5 қонданлан иборат дастур-лари, асосий йўналишлари бор. Мен бек асосий қонда билан танишлар эканман, унда баён этилган сузларни ўқиб олдино йўл танлан-ганига амин бўлишим. Бу хал-қимиз дилидаги гаплар. Бир сўз билан айтганда, бир томчи сувдек Президент атрофида бўлмасак, тош-ни ёриб гўл бўлиб униб-ўсамиз.

Суҳбатдош:
Тўқил ЕРҚУЛОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»
мухбири.

Сабзавоткор, боғбон, со-ҳибкор ва маҳсулотни қайта ишлаш саноати ходимлари-нинг Тошкентда бўлиб ўтган республика кенгаши мазкур соҳа миришкорлари зиммаси-га катта вазифалар қўйди.

Ўзбекистон миллий ахбо-рот агентлиги мухбири Фар-гона вилояти Қува туманида-ги «Анор» давлат хўжалиги-нинг директори Мастура Сай-фиддинова билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

— Мастура опа, билиш-м-ча, сиз раҳбарлик қилаётган хўжалик анор етиштиришга ихтисослашган.

— Тўғри айтдингиз. Хўжа-лигимизнинг «Анор» деб ном-лангани бежиз эмас. Қува анорининг доғруғини ким билмайди дейсиз! Едимда, хў-жалигимиз раҳматли Шароф Рашидов тақдирлари билан ташкил этилган эди. Ишимиз-га омад тилаб, дастлабки кўчани экиб берганларига ҳам, мана, ўн тўрт йил бўли-ди. Шу вақт мобайнида де-ярли фойдаланилмай ётган 700 гектар қир-адир гуллаган боғ-роғга айланди, 600 киши иш билан таъминланди. Яхши-нинг шарофати, деб шунинг айт-салар керак-да.

«АНОР»НИНГ АНОРИ

— Тошкент вилоятида ҳам анор етиштиришга ихтисос-лашган хўжаликлар бор. Ай-ниқса, томоқларда ўстири-лаётган анорлар ахши ҳосил берапти. Аммо Қува анори ҳаммага манзур. Бунинг сир-ини мада!

— Қуванинг, умуман, Фар-гона водийсининг об-ҳавоси, иклими сархил мева етишти-ришда асосий омил бўлса керак. Бирок, ҳар бир ютуқ заминда меҳнат ётади. Мас-алан, биз ўтган йили давлатга 2500 тонна анор ва бошқа хил мева етказиб бердик.

Хўжалигимизда бултур 10 миллион сўм фойда олди. Меҳнатдан келган бойлик эл фаровонлигини ахшиллаш сарфамониди. Кейинги йил-ларда 200 га яқин шинам уй-йўл қурди, турли мада-ний-маиш корхоналар ишга тушириди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шартинда анор қўчати, ўғит, ериш ишлаш ҳаракатлари ор-тиб бераётган, юкори фо-кали солиқлар, пале-партиш тузилган шартномалар де-роҳаднинг қайишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун биз ҳосилдорларни ошмишга ҳа-ракат қилиб, гектар бошига 100 центнер мева берадиган анорзорларни кенгайтириш-ни, боғларни юксак агротех-ника талабларига риоя қилган ҳолда парваришлаймиз.

П. НИШОНОВ,
Ў.А. мухбири.



Шафат Ҳожиёва кўп йиллардан буён мўл-кўл ишла ҳосил етиштириб, элу юрт таҳсинига сазовор бўлмоқда. Қуни кеча Республика Президентининг фармониға би-ноан Шафат опа Фахрий ёрлиқ билан тақдирланди. Бу мукофотдан руҳланган қумуш тола ижодкори бу йил Шофиркон туманидаги Файзулла Хўжаев номли жамоа хўжалигида янада сифатли, мўл-кўл ишла етиштиришга аҳд қилган.

СУРАТДА: моҳир пиллакор Ш. Ҳожиёва.

К. КАРИМОВ олган сурат.

ПАХТА ЭВАЗИГА ЗАМОНАВИЙ УСКУНА

Ҳозир мамлакатимизда 800 га яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Шу-лардан бири Фарбий Герма-нийнинг «Универсал экспорт-импорт» фирмаси Ўзбеки-стон иқтисодиётига мундсиб ҳисса қўшаётган корийи-шериклардан биридир.

— Йилда бу фирма Кашка-дарё вилояти чорвадорлари-га жуи ювадиган ўта замо-навий ускуна етказиб берди. Фирма иштирокида ташиқл этилган қўшма автопар-спорт корхонаси эса Евро-падаги юкларни минтақа-мизга етказиб беришга ҳиз-

мат қилади. Бундан ташқари, Тошкентда қўшма сто-матология поликлиникаси очди. Бу тиббиёт маскани Германиянинг энг мукам-мал тиббий ускуналари би-лан жиҳозланган.

Немис ишбилармонлари-нинг режалари улкан. Ху-сусан, фирма вақили М. Дикинг мазлум қилинчи-ча, «Универсал экспорт-им-порт» тадбиркорлари Ўзе-бекистон деҳқонларига қиш-лоқ хўжалиги маҳсулотла-рини қайта ишловчи замо-навий техника етказиб бе-

КАСАБА УЮШМАСИ ФАОЛЛАРИ ЙИГИЛИШИ

Жиззах вилоят касаб-а уюшмаси фаолларининг йи-гилиши бўлди. Унда Ўзе-бекистон Президенти Исрол Каримовнинг фармонлари ҳамда Ўзбекистон Респу-бликасининг «Касаба уюш-малари, уларнинг ҳуқуқла-ри» Фаолиятининг кафо-латлари тўғрисидаги қо-нунни қандай бажарилаёт-гани муҳокама қилинди.

Йиғилишда сўзга чиққан вилоят ҳокими А. Тошкено-боев, Касаба уюшмалари Ўзбекистон федерацияси-

нинг раиси Б. Алламуродов меҳнаткашларнинг эҳтиёж-манд талабларини янги-мон жихатдан пухта ҳи-молаш борасида вилоят ка-саба уюшмалари олдига турган долзарб вазифалар-га тўхтади.

Йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон Президенти И-срол Каримов номига мактуб йўллаб, республика раҳба-рини юратиб, ички ва ташқи сиёсат қизган қўл-лаб-қувватланаётганини таъ-кидлади.

ИҚТИСОДИЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ТОЗА ВА АРЗОН

● Намангандаги 2523-автокотондаги машиналар тоза ва тежамли ёқилги — табиий газга ўтказила бош-ланди. Мавжуд 150 та машинадан яримини ҳозир газ бил-лан ишлатмоқда. Шу туфайли транспортчиларнинг юк ташиш ҳақини бирмунча камайтириш мумкин бўлди — ҳозир Наманган вилоятида транспорт харажатлари энг паст даражага келтирилган.

«ЎЗДЭУАВТО» ҚУРИЛМОҚДА

● Аскара трактор принциплари заводидаги бош деҳида-ги машина-ускуналар кўчариб олиноқда — тез орада бу деҳ Ўзбекистон-Корея «ЎзДэуавто» қўшма корхонаси-нинг автомобилларини ишлаб чиқариш учун қайтадан жиҳозланади. Бундан ташқари корхона ичида темир йўл шохбосчаси қурилоқда, корхона билан «Андижон-Фар-гона» катта йўли ўртасидаги бир ярим километри авто-мобил йўлини қуриш лойиҳаси ишлаб чиқарилоқда. Бир-роқ трактор принциплари ишлаб чиқариш ҳам тўхтати-майди.

«ПАХТАКОН» ВОЗОРГА ЧИҚМОҚДА

● Верхневолск пахта заводи ҳузуридаги «Пахтакон» кичик корхона Гўлистон, Тошкент ва Самарқандда я-назиқлар очди. «Пахтакон»нинг маҳсулотлари — тўқил-ган жемперлар, кофталар, қалпоқчалар, шарфлар чаққон сотиломоқда. Улар Сурия ва Кореядан сотиб олинган калава илдан япон станокларига тўқилимоқда. Сифатли маҳсулот бозор нарҳдан арзонроқ сотиломоқда. Тўқил-ган буюмлар пахта заводи ходимларининг ўзига 20 фоиз чегирма билан берилмоқда.

корликни шакллантиришга хизмат қиладиган энг кат-та омилдир. Хусусан, юрт-бошимиз Исрол Каримо-вининг режалардан ташқари 20 фоиз пахтани хўжаликлар-нинг ўзига қолдириш тўғ-рисидаги фармони бу бо-рада қўл келди. «Универсал экспорт-импорт» фирмаси етказиб берадиган ускуна-лар эвазига хўжаликлар бе-восита пахта билан ҳисоб-китоб қилишлари мумкин.

— Бу жуда оқилона фар-мон, дейди. Фирма ва-қили Михаил Дик, — ма-ҳсулот ишлаб чиқарувчи хў-жаликлар ақлидаги тўғ-ридан-тўғри жаҳон бозори-га чиқа олади.

Наргис ҚОСИМОВА,
Ў.А.

Яхшилар умри боқий

ЧОРВАДОР ЧИРОҒИ



Ҳар ким ҳаётда ўзига хос из қолдиради. Биров олим сифатида кашфиётлар яратди. Биров деҳқон бўлиб эл-юртин боқди. Чор-вадорлик ана шундай мўл-кўчликни ярату-вичилардан биридир. Умрини эл дастурхонини бойитиш, тўқин-сочин қилиш учун сарф-лади. Жамоа чорасини ривожлантириш учун кеча-ю кундуз ҳаловат нимагини билмайдиган. Ҳар бош мошини маъсулияти унинг бўлида бўлади. Бозор-Учарни ҳам гоҳида ёддан чиқаради. Панжир бобо ўр-ноҳ ҳам шундай чорвадорлардан ҳисобланади.

Отаси ўрн бободан эрта ажралган ёш Панжир айрим тенгдошлариди ўйин-қулни нимагини билмади. Мактабни ҳам битирол-мади. Тўртинчи синфгага ўқиди. Тиркичилик ташвиши билан банд бўлди. Оланинг тўн-гичи саналган Панжир рўзгорини тебра-тиш, онасига ёрдам бериш ниятида чўпон тағ-нини қўлга олди. Ўн ёшга етар-етмас Косон районида қарашли бўрдоқчилик пункти молларни сўқимга тайёрлаш идораси — «За-готескот» идорасига қўша кирди. Унинг ва-зифаси бўрдоқчи боқиш учун давлат ва жа-моа хўжаликларидан келтирилган қўйларга қараш, уларни боқиш, вақтида емиш бериш, сўғориш қабил юмушлардан иборат эди. Се-мириб тайёр бўлган қўйларни, новвосларни гўшт комбинатига элтиб топшириш ҳам чў-понларнинг вазифасига кирди. Бир қарасан-гиз, бу ишлар кишига енгилдек туюларди,

аммо аслини олганда буларни бажариш осон эмасди. Юзлаб, минглаб қўйга қарашга 50-йилларда от-аравада хашан ташини, халта қу-тариб, моллар охурига бўзқа тўқини, туңда уларнинг аҳолидан хабардор бўлиш, бир сўз билан айтганда, бу ишлар чўпондан халоват-сиз ҳаётини талаб қиларди. Техниканинг ол-ғи ва етишмаслиги туфайли барча ишлар қўлда бажариладди. Ана шундай йилчилик билан Панжир тенгдошлари қатори ёш-ликдан меҳнатнинг этагини тутди. Дар-қийинчиликлари бардош бериб, воғта етди. Қадим чорвадорлар руҳида тарбияланди, ҳаётда ноллиш нимагини билмади. Меҳнат-га муҳаббат улар учун муқаддас иш эди. Панжир бобо ва ҳамкасбларининг фи-дойиликлари туфайли Косон районидаги жа-моа ва давлат хўжаликларининг гўшт етиш-тириш режасининг ортиги билан бажарили-шига муносиб ҳисса қўшилди. Бу ишда албатта Панжир ўрнов ва унинг Раҳмат Рустамов, Рўзиназар Ҳамроқулов, Ҳазрат Турсунқулов каби ҳамкасбларининг хизмати салмоқли эди. Фидойи чорвадор бўрдоқчи-лик пунктида 20 йилдан кўпроқ меҳнат қил-ди. Шу ерда соҳ-соқоли оқарди. Чорвачилик-нинг муқаддас касб эканлигини чуқур ҳис қилди. Мамлакатнинг чорва маҳсулотсиз ияш олмаслиги унга аён эди. Бунинг учун кўпроқ гўшт кераклигини аниқлади. Чорвачилик-нинг муқаддас касб эканлигини чуқур ҳис қилди. Мамлакатнинг чорва маҳсулотсиз ияш олмаслиги унга аён эди. Бунинг учун кўпроқ гўшт кераклигини аниқлади. Чорвачилик-нинг муқаддас касб эканлигини чуқур ҳис қилди. Мамлакатнинг чорва маҳсулотсиз ияш олмаслиги унга аён эди. Бунинг учун кўпроқ гўшт кераклигини аниқлади.

60-йилларнинг ўрталарида туманда йирик бўрдоқчилик давлат хўжалиги ташкил этил-ди. Тажрибали чўпон Панжир ўрнов янги хўжаликка ишга тақдир қилинди. Қўйчилик бригадасининг бошлиғи бўлиб ишлаб бошла-ди. Илпичли кўз сифатида қаринош-уруғ-лардан ҳам бир-иккитасини ишга олиб кел-ди. Шу ерда Панжир бобо ўрнов чорвадор-лар сулоласига асос солиди. Уларга икки минг бош қўй бўрдоқчи боқиш учун берилди. Ишлар ёмон кетмади. Ҳар бобо қўйнинг ти-рик вази 45-46 килограмм етказилди. Кўз бош бўрдоқчи боқиладиган совиқлардан 80—85 тадан қоракўл қўзи олинди. Ҳар бобо қўйни бир неча-кундузда 42,3 граммча семиртиришга эришилди. Ҳаёт шу тариқа

давом этди. Яхши меҳнат қут-барака кел-тирди. Яхши ният билан -бошланган ишлар йилдан-йилга юксак -самара бера бошлади. Муваффақиятлар, ғалабалар галма-гал қўлга киритиларди. Отаҳон бошлиқ қўйчилик бригадаси қисқа муддатда хўжаликдаги илгор жамоалардан бирига айланди. Меҳнат мусо-бақасида Содик Сағажулов, Рўзитоҳ Ҳўра-қулов, Шойқул Тўқонов, Даврон Нашандов каби хўжаликнинг илгор чорвадорларининг кўрсаткичидан уларники кам бўлмади. Чор-вадорлар сарқори, чўпонлар сардори Панжир бобо ўрнов ибратли меҳнати эвазига бир неча бор давлат ва ҳукумат мукофотларини олди. Мамлакатнинг халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида бир неча бор Фахрий ишон-лар билан мукофотланди. «III даражали Шўҳрат» ордени, кўп марта Ўзбекистон Рес-публикасининг Фахрий ёрлиқлари билан тақ-дирланди.

Қўйчилик соҳасида ярим аср меҳнат қил-ган Панжир бобо ўрнов ўтган йили ҳаётдан кўз юмди. Панжир бобо ўрнов ҳаётдан эрта кетган бўлса ҳам унинг илқи ишончли қўл-ларда — фарзандлари, шоғирдлари томони-дан давом эттирилади. Чала қолган ният-лар амалга ошарди. Ўн тўрт фарзанднинг отаси, сулоланинг боши, оқсоқол чорвадор Панжир ўрновнинг чироғи ўтгани йўқ, ўч-майди ҳам. Ота чирогини фарзандлар, шо-ғирдлар ёқапти. Бободан улуг касб фар-зандларига мерос қолди, чўпон тағини улар тутган. Фарзандларидан, — Баҳодир То-ҳир ва Ботирлар ота касбини давом эттиришапти. Оталари узоқ ишлаган «Насаф» бўрдоқчилик давлат хўжалигида чў-понлик қилишмоқда. Уларнинг орасида кат-та ўғил бош чўпон. Укалари унга ёрдамчи.

Муборак Наврўз кунлари марҳум чўпон Панжир бобо руҳини шод этиш учун унинг ҳондониди бўлди. Аёли Музаззам ҳола билан бироз суҳбатлашди. Суҳбат маромида шу нарсаси мазлум бўлдики, Музаззам ҳола ҳам чорвадор экан. 14 фарзанднинг онаси кескалтига қарамай истиқомат қилаётган Беруний номли ширкат хўжалиги сут-товар фермасида соғувчи бўлиб ишларкан. 20 бош сиғирни қизи Зилола билан парвариш қилиб, кунда ҳар қайси говмишдан 6-7 литрдан сут соғиб олмақда. Уй бекасини, қаҳрамон онанинг бу жасоратини кўриб қойил қолдик, унинг шаънига офаринлар айтдик. «Меҳнат-сиз туроломайман. Марҳум эримдан бу мен-га яхши фазилат сифатида мерос қолган. Айримлар йўлаши мумкин, Музаззам ҳола етишимовчиликдан соғувчилик қилапти деб. Йўқ, гап етишимовчиликда эмас. Ёшлик

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шухрат туғилган куннинг 75 йиллигига

ШОГИРД ТАЪЗИМИ



Ассалому алайкум муҳтарам устоз, шу улугъ айёмингизда икки қалбимиз шогирдлик каломини изҳор этиш ниятида қўлимга қалам олдим. Бунинг боиси мен ўзимни сизнинг ўнлаб шогирдларингиз қаторида ҳисоблаб юрарман. Чунки биринчи, «Батан» сарлаҳали шеъримни 1930 йили ўзингиз матбуотдаги қўли билан «Шарқ юлдузи» журналининг 10-сонда босилишига сабабчи бўлгансиз. Яна бунинг устига «Олтин зағаллар», «Жаннат қидирганлар» романингизда ёзган дастхатларингизда меннинг тўғрида илқ гапларни айтгансиз.

Устоз, агар таъбир жоиз бўлса, Сизни «иш муруш» деб атаган бўлардим. Чунки, биз адабиётга кириш

келаётган элгинчи йилларда Сиз бир қатор насрий ва драматик асарлар яратиб, ёшларга ўрнак кўрсатдингиз. Урушнинг лавнатлари ва тинчликнинг эъозлари мавзусидаги жонли воқеаларга бой ҳикоя ва қиссалар, «Шинелли йиллар», «Олтин зағаллар», «Жаннат қидирганлар» романи, «Беш кунлик кўё», «Қўша қаринлар», «Она қизим» каби сахна асарлари бизга мавзу эътибори, раво тили, ҳалқчиллиги, ҳикматнамо ибораларга сароблиги билан ижод йўли нақадар машаққатли эканлигини эслатиб турарди. Биз уларни қайта-қайта ўқиб, ҳар гал бундан янгилик топаётган бўлардик.

Урушдан кейин босилиб чиққан «Ҳаёт нафаси», «Қардошлар», «Визинг кўча», «Балладалар», «Сенинг севинг», «Буюк муҳаббат», «Мангулик», «Балогат» сингари ўйноқ шеърлар, ҳаяжонга солувчи балладалар, кишини ҳайратга толдирувчи достонлардан иборат тўпламларингиз китоб жовонларимиздан муносиб ўрин эгаллагани табиий, зеро уларда чинданам ҳаёт нафаси сезилиб туради.

Урушнинг машаққатли кунларини матонат билан енгган, оддий аскарликдан батальон командири даражасигача кўтарилган, Берлинни завоёт этишда қатнашиб йигиртик бурчини шараф билан бажарган Элмурод олиқанов фазилати билан китобхонини ўзинга мафтун этади, шунинг учун ҳам «Шинелли йиллар» романи бир неча халқлар тилларига таржима қилинган бежиз эмас.

Икитомий-ахлоқий мавзуда ёзилган «Олтин зағаллар»ни ўқиганимизда, ҳаётини зиддиятларни, дахшатли ғовларни енгилда катта матонат, эътиқодига метин садоқат кўрсатган Солиқ билан

бирга қувониб, бирга йиғлаганларимизни унуттиш қийин. Ўшанда Мирсалим қўлимга тушса, бўғиб ўлдиршига ҳам тайёр эдим: Демак, бу икки образни яратишда катта маҳорат билан тер туқганингизни китобхон дарҳол сезиб олади.

Устоз, сиз қаромат қилиб, бундан бир неча йиллар муқаддам яратган романингиз «Жаннат қидирганлар»нинг қаҳрамонлари бугунги кунда она Ўзбекистон заминига ҳеч қандай тўсиқсиз қадам қўймоқдалар. Бу эса Ўзбекистонимиз мустақиллигининг шарофатидир. Демак, сиз ўша вақтдаёқ ўзбек диёри эркин ва мустақил бўлишини, умумтўр қавми аҳли биродар бўлишини, тарқоқ «бармоқ»лар бир «мушт»га бирлашувини орзу қилгансиз.

Эсимда, бир кун уйингизга бир ёш қаламқашнинг илк қиссасини ўқиб беришингизни илтимос қилиб, бериб юбордим. Дарвоқе, у вақтда мен «Гулхан» журналининг масъул котиби бўлиб ишлардим. Сиз эса таҳрир хайъатининг энг жонқуяр, энг меҳнатнаш аъзоси эдингиз. Ёшларни шу таҳрирнинг атрофида жинслаштириш учун раҳматли Райратий, Раҳмат Файзий, Тўхтасин Жалолов, сеvimли устозлар Ҳасан Назир, Пулат Мумилов қатори ҳеч вақтингиз ҳам, хизматингизни ҳам аямасдингиз.

Уч кундан кейин телефон жиринглаб қолди, трубкадан меҳрға тўла ғамхўрона овозингиз эшиди:

— Наримон, юборган нарсангиз ўқиб чиқдим, — дедингиз худди ўзингиз янги бир асар яратгандек қувониб. — Бало экан, у топан боланг. Ҳаётини кузатишлари тинч. Воқеаларни ҳам жуда усталик билан бир-бирига боғлабди. Бир

икки жойига қўл урган эдим, туппа-тузук қисса бўлди қолди. Илоҳи бўлса қисқартирма.

— Ҳў, устоз. Фикрингизни муҳаррирга айтмаман, — дедим ўзгалар учун шунчалар жон куйдираётганингизга қўйиб қолди.

— Ҳа, айтмоқчи, у болани мен қўрганманми? — деб сўрадингиз бироздан сўнг.

— Йўқ, қўрмагансиз. Ўта тортиноқ йигит, ҳарбий врач.

— Шунанми? Агар шифокор бўлганда ҳаётини шунчалар сиқоқлик билан кузатган бўлса, ундан яхши ёзувчи чиқади, — дедингиз ишонч билан.

— Бир-иккита шеърларига кўзингиз тўшдими, йўқми, билмадим, лекин бу биринчи насрий асари, — орқаваротдан таништирган бўлдим муаллимни.

— Эсимда йўқ. Майли, бундан кейин сонга режалаштиришаркан? — деб сўрадингиз охирида. Икки-уч сон нарини айтган эдим, — илоҳи бўлса, олдинроқ берворавер, — деб маслаҳат бердингиз.

Бу асар Искандар Раҳмоновнинг «Меҳрибонлар» қиссаси эди.

Хурматли устоз! Сиз ўқитувчилар ҳақидаги шеърингизда:

«Агар ҳаёт бўстон бўлса, боғбон муаллим,

Агар ҳаёт қарвон бўлса, сарбон муаллим»

— деб устозларни эъзозлагансиз. Ўзингиз эса яратган бадий образларингиз орқали минглаб китобхонларга муаллимлик қилаяпсиз, уларни эъзуликча қорлаяпсиз.

Муҳтарам Шухрат ака! Муҳорак 75 ёшингиз билан чин юракдан табриқлайман, барча шогирдларингиз қатори ҳузурингизда таъзимга бош эгаман.

Қамолли эҳтиром билан.

Наримон ОРИФЖОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

СЕН БЎЛМАСАНГ, ЮРТИМ...

Сен бўлмасанг, юртим, мен кимман,
Бир ариқман — суви қуриган!
Дунёда энг бахтсиз балки ман,
Балки гулман беват чирган.

Сен бўлмасанг, юртим, мен кимман,
Бир куртакман ўсиб-унмаган.
Нур кетиб кунда кўримдан
Баҳорда ҳам яшнаб қулмаган.

Сен бўлмасанг, юртим, мен кимман,
Тупроқ ячра ётган гавҳарман.
На қадрига ўзим ҳоқимман,
На ҳикматни эшитган қарман!

Сен бўлмасанг, юртим, мен кимман,
Бир лочинман қаноти синган.
Учиб юрган дайди бир қўшман,
Бир бўлоқман қайнашдан тинган!

Сен бўлмасанг, юртим, мен кимман,
Бир китобман қадри топпаган.
Паноҳи йўқ ғариб етимман,
Умр бўйи бахти чоппаган.

Сен бўлмасанг, юртим, мен кимман,
Бир балқиман сувсиз денгизда!
Еки қўлда ётган бир чимман,
Қақраб битган саратон кезда!

Е қиличман дами кесмаган,
Е қаламман хат ёзмай синган.
Е тонг оли бир дам эсмаган,
Е қўлчанман мудом ўксмаган!

Еки қўшман — нурдан бебаҳра,
Еки тилман сўзи йўқ, соқов.
Еки йўлман уфқи йўқ сира,
Е ўқоқман сўнган, беолов!

Нима бор, нима йўқ — бари
Сен тўфайли бениқсон, тўқис.
Сен тўфайли манзилим сари
Йўл оламан — йўлларим текис!

Қўлда ётган юлдузлар эмас,
Менинг нурга тўла қўшларим!
Мен — одамман! Шундай қолсам, бас,
Ниятмидир ушбу сўзларим!

Юртим, сен бор, демак мен одам,
Одамлигим қадри улугъдир!
Одамлигим тан олган олам,
Одамлигим нурга тўлиқдир!!

ЎКСИК ҚАЛБГА
ЭЛ МАЛҲАМИ

Аъзамжон Қорёғдиев одам-оҳун, қасбига жон-дилидан берилган, мулоҳазали, оғир-ноҳис янгитлардан. Яқинда у ноҳис қасба уюмчаси кўмитасига бош қисбич этиб тайинланди. Бунга, Олим ширкатлар уюмчаси ҳузуридаги қасба уюмчасида ҳисобчилик қиларди.

Уша кунни ҳам одатдагидек ишхонасидан қайтиб умрдошининг қистови билан бир пиёла чой ичар-ичмас бемор онасининг ёнига шошилди. Аъзамжоннинг одати шундай: онасини бир кун зиврат қилмаса кўнгли тўймайди. Йигит волидасининг сўхат-саломатлигини кўзи билан кўриб иссиқ-сوغуидан ҳабаб тоғлаб, қўлидаги қорғоз халта-ни онасининг ёнига қўйиб деди:

— Қасбон янги мол сўйган экан, юмшоқкина деб жигар ола келдим. Хоҳланг да-дам билан қабоб қилиб, хоҳланг димлаб тановул қилинг!

— Болом, районга қатнаб ишляпсан. Йўл азоби—гўр азоби дейдилар. Менга бир тишлам ташлаб кетсанг, бўлди, қолганини болаларинг билан баҳам кўргин. Куч-қувват бўлади, — деди Тоҳиджон опа ўғлига меҳр билан боқиб.

Аъзамжон эса янги иш жойидан биринчи маошидан олганини онамга тутаман деб ният қилганини айтди. Она мамун бўлиб, дуога қўл очди.

Сўнгра Аъзамжон томоққа-ни чопгани кетмон кўтариб ўтиб кетди. Ерга бир-икки кетмон урувдигани, кўча эшиги олдига ғала-говур эшитилиб қолди. Шошилди чиқаркан, онасининг олдига маҳалладоши Зойиржон Усубжоновни кўрди:

— Тезроқ бўлинглар укангиз Маҳмуджоннинг уйига ўт кетяпти, — деди у ташвиш-ли қиёфада ҳаяжон билан. Тоҳиджон ая шум хабардан гангиб нима қиларини билмай ўтириб қолди. Аъзамжон ташқарига отилди.

Осмонга буруқсаб тутун кўтарилар, янгитина қўрилган уй алағга ичида чирсиллаб ёнар, нима қиларини билмай қолган Аъзамжон, Со-биржон ака, уй эгаси Махмуджонлар изтироб ичида чорасиз ҳолда туришарди.

Фалокатга йўлиққан оилани ёлғизлатиб қўймидилар. Бир зумда шум воқеадан ҳабаб топан маҳалла кенгашининг раиси Бозорбой Шаҳобидинов одамларни эргаштириб етиб келди. Уларга маҳалла фаоллари Жумабой Ҳайдаров, Раҳимжон Поллонов, Баҳодир Ашуровлар қўшилиди. Бироз ариқдан сув ташиди, бироз илмоқ билан тодман шиферларни кўчра бошлади, бироз уй ичига ўзини уриб ичкаридан қўлига илганган нерсаларни таший бошлади...

Тоҳиджон опа бу кўргиликни кўтара олмади. Ёнғин бўлган кунни эртасига онахонини тупроққа қўйдилар. Қорёғдиевлар оиласи мотом ичида қолди.

Тўю-маъракалардан қолмайдиган қўшин—Иттифоқ маҳалласида яшовчи, Жалолқудук туман дон маҳсулотлари қорхонаси бошқарувчиси, вилоят кенгаши халқ ноиб Раҳматжон Аҳмадов азадор ҳонадонга кириб келганда кампирдан айрилган, уйи ёниб кетган уруш фохрийси Собиржон ота ёш боладек хўнграб юборди. Енида ўғиллари Аъзамжон, Маҳмуджон, ке-



лилари бошларини куйи солиб ўтиришарди. Раҳматжон мурунйига ҳамдардик билдириб ҳол-аҳвол сўради. Кейин томи ёниб кетган уйни кўздан кечира туриб деди:

— Бош омон бўлса дўппи топилади. Қолганларинг бо-ши тодман бўлсин. Қўп қуё-наверманлар. Эртаса томи ёнишга кетадиган ёғоч, шифер, пишқик гишт юбораман. Албатта, ўз жамғармамдан.

Раҳматжоннинг сўзи билан иши бир. Эртасигаёқ томи ёнишга кетадиган 100 донга яқин шифер, 3 куб метр микдорда ёғоч-тахта юклаган трактор Аъзамжонларнинг дарвозасига келиб тўхтади. Ойим ширкатлар уюмчаси ҳам моддий ёрдамни аямасди.

Томи текинга таъмирлайдиган бинокор усталар ҳам Исмоил Шарипов номли маҳалланинг ўзидан чиқди. Арабжон Умаров, Баҳодиржон Толибжонов сингари олимхизмат, қўли гул бинокорлар икки кунда уйни таъмирлаб қўйдан чиқардилар. Тақдир зарбасига учраган уруш фохрийси Собиржон ака Қорёғдиевларнинг ўқисқ қалбига ҳамқиллоқлари меҳр-муруват кўрсатдилар.

С. РҲИМАТОВ.



С. РҲИМАТОВ.

ЎЗБЕК ПОЛВОНИНИНГ НЕМИС ФАРЗАНДИ

Дор ўйини санъати аслида Фарғона vodiysida ривож топан. Бироқ, Самарқандда ҳам бу қадимий ўйиннинг қадри юксак, унга меҳр қўйган кишилар йўқ эмас. Чеканлик Абдумурод Эргашев бошлиқ оилавий дорбозлар гуруҳи аъзолари ана шундай санъаткорлар сирасига қиради. Лекин вилоятда ягона бўлган бу гуруҳнинг шухрати кейинги пайтда бир оз сўниб қолганини кўпчиликлда хавотир уйғотаётган эди. Абди Полвон (халқ уни шундай деб атайдилар) ҳақида ҳар хил гап-сўзлар қўлоққа чалина бошлади, бироз ундай деди. Шундай пайтда оилавий гуруҳ яна

мўъжиза кўрсата бошлагани маълум бўлди.

— Орият кўчили экан, — дейди Абди Полвон. — Пигирма йил халқ хизматида бўлиб, баҳол қуларат санъатининг намоийиш этдики. Минглаб кишилар қалбига қувонч, хурсандчилик бағришлаб, уларнинг олдишини олдики. Довруғимиз етмаган туман, вилоят қолмади, деса муболага бўлмас, Томирларимиз собиқ Иттифоқдаги кўп санъат шайдолари қалбини ҳам оранг, вужудини титратган. Нарву байрами ва Рўза ҳайити тантаналарида санъатимизни намоийиш эта олмадик. Бунга бир томоша пайтда шикастланганим сабаб бўлди. Тақдир зарбаларига бардош бермоқликдан бошқа илож

йўқ экан. Лекин қорнимга эмас, қадримга йиғайман, деган гап бор. Этиб қолганимни эшитган бўлсалар-да, вилоят маданият бошқармаси раҳбарлари, бизга мутаассад Самарқанд шаҳар маданият ва истироҳат боғи жамоаси хуш айёмлар дорбозларсиз қандай ўтиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмади. Буниси майли. Лоқал қўнғил сўраб йўқламаганлари оғир ботди, дилим ражинди. Қаранг, яратганинг ўзи мадад бердим, гўё қўнғилдан бир куч пайдо бўлди қўлингга лангарин ол, деди...

Шу тариқа Абди Полвон рафикаси Гулчехра, фарзандлари — Турсунали, Илхом, Шаҳноза ва тўрт ёшли Икром, асраб олган тўнғич ўғиллари — Ҳасан-Ху-

санни етаклаб томошабинларга яна пешов чиқди.

Дарвоқе, Ҳасан ва Ҳусан ҳақида Абди Полвон уларни уйига бошлаб келганига, маана, ўн уч йил бўлди. Ўшанда қорасдаларнинг эшикмаси қориниш истамади. Натияжада онаси рус, отаси немис миллатига мансуб болалар унинг оиласи бағрида ўсиб улғайди. Абдумурод ака элга ош бериб, уларнинг сўнат тўйларини ўтказди.

— Умр оқар суз экан, — дейди А. Эргашев. — Ҳозир иккаласи ҳам йигирма ёшга қалам қўйдилар. Худода шукр, олобю санъати барча манзувр. Яқинда Ҳасан-Хусаннинг ўзбек қилари унаштириб қўйдилар. Яқинда тўй қилиш пиялимиз бор. Тўйда азиз меҳмонлар қанча кўп бўлса, ўзимизни шу қадар бахтиёр ҳис этамиз.

Ҳ. ШУКУРОВ,
(ЎА муҳбири).

БОШҚОТИРМА

КАТТА АЙЛАНАДА: 1. Самарқанднинг қадимий харобаси. 2. Ичкилик, шароб. 3. Иш қуроли. 4. Пахта илгидан тўқилган дағал мато. 5. Хотин киши, аёл. 6. Қариндош. 7. Атир совун. 8. Отанинг оласи қиш сингисин. 9. Кир ювиш воситаси. 10. Суяк тоом. 11. Кўпчилик. 12. Овқат. 13. Донга тўшадиган зараркунанда курт.

КИЧИК АЙЛАНАДА: 14. Гийҳ билан қопланган майдон. 15. Йўлбоши, раҳнамо. 16. Сонин ифодаловчи график белги. 17. Жисмларни ташкил қилган нарсас. 18. Зўрга, зўр-базўр. 19. Тўқиб тайёрланган мато. 20. Мисранг.

БҲИГА: 1. Оддий ҳарбий хизматчи. 21. Болалар этнография дастеси. 22. Алишер Навоий «Ҳамса»си қаҳрамонларидан бири.

ЭНИГА: 23. Қайиш. 24. Табиат ҳодисаси.

УНГА: 25. Одам, башар. 26. Тошкентдаги метро бекети. 27. Кўча чеккаси. 28. Катта, улайган.

ЧАПА: 29. Асли номи Алихон Муллаохун ўғли бўлган ўзбек шоири. 30. Жуфт сон. 31. Ишонч билан айтилган фикр, мулоҳаза. 32. Ойги ноғорилар таянчи.

Тузати: Файз АБДУҚАҲҲОР ўғли.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР. Мухаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Матбуот котиби — 33-09-93. Матбуот котиби ўринбосарлари — 32-56-25. Дехқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51, 33-09-93. Қайта ишлаш сановати бўлими — 32-56-31. Икитомий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими — 32-56-22. Мелiorация ва қишлоқ қурилиши бўлими — 32-56-33. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-09-93. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-34. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Безатиш бўлими — 32-58-79.